Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил
1 февраль
ЧОРШАНБА
№ 10 (12958)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу номдаги китоби "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилди.*




## "ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК – ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК"

Китобдан давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 январь куни бўлиб ўтган, мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси ўрин олган.

Чуқур таҳлил ва танқидий ёндашувга асосланган ушбу рисолада Ўзбекистоннинг 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларига атрофлича баҳо берилган. Айни вақтда иқтисодиётни бошқариш, уни модернизация ва диверсификация қилиш борасида кейинги пайтда турли вазирлик ва идоралар томонидан йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар очиқ ва холис танқид қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар илгари сурилган. Турли соҳалардаги мавжуд улкан имконият ва захираларни тўлиқ ва самарали ишга солишга жиддий эътибор қаратилган.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2017 йилга мўлжалланган устувор йўналишлар, жаҳон бозорида рақобат кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб вазиятда иқтисодиётга хорижий инвестициялар, замонавий технологияларни жорий этиш билан боғлиқ муҳим вазифалар маърузада батафсил кўрсатиб берилган. Айниқса, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурини амалга ошириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, жумладан, шаҳар ва қишлоқларимизда арзон ва қулай уй-жойлар қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни, мактабгача таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича кенг кўламли вазифалар ҳам китобдан алоҳида ўрин эгаллаган.

**ЎзА.**

## ТИББИЙ ХИЗМАТ – ЖИДДИЙ ХИЗМАТ

*Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашди. Видеоконференция шаклида ўтган мазкур учрашувда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, тиббиёт олийгоҳлари ректорлари, соғлиқни сақлаш тизими масъуллари иштирок этди. Йиғилишда таъкидланганидек, юртимизда фуқароларни сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда.*



### Бугуннинг гапи

Соғлиқни сақлаш соҳаси доимий равишда илм-фан ва хизмат кўрсатишнинг энг сўнгги ютуқлари билан бақамти юрмас экан, аҳолининг барча эҳтиёжларига тўла жавоб беролмайди, оддий фуқароларнинг қалбида бутун тизимга, давлат ва у олиб бораётган ислоҳотларга нисбатан ишончсизлик кайфияти пайдо бўлади. Йиғилишда давлатимиз раҳбари бу борада сўзлар экан, жумладан: "... бугун замон ўзгармоқда, одамларнинг талаби ошиб бормоқда. Халқимизнинг тиббий маданияти юксалиб, энг сўнгги усул ва русумларда тиббий хизмат кўрсатилишини истайди. Бизга шу ҳам бўлаверади, деган тушунча энди ўз умрини ўтаб бўлди. Бу барча соҳалар қатори тиббиёт соҳасига ҳам бевосита дахлдор", деб алоҳида таъкидлади. Демак, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтириш тараққиёт йўлидаги энг катта ғовдир.

Асосийси, чекка-чекка қишлоқ жойларида бу борадаги ишлар қандай йўлга қўйилгани, сифатли дори-дармон ва тиббий хизмат билан қай даражада таъминлангани шахсан давлат раҳбарининг диққат марказида турибди. Хусусан, қишлоқ врачлик пунктларида мавжуд тиббий ускуналарни ишлатадиган малакали мутахассислар етарли эмаслиги, тиббий кўрикларни номига ўтказиш каби муаммолар эндиликда аниқ режа ва пухта дастурлар ёрдамида ҳал қилиниши кўзда тутилмоқда. Бунда ҚВПларнинг туну кун ишлаши, уларни аҳолининг барча бирламчи талабларини қондира оладиган масканга айлантириш бош масаладир.

Бу борада вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар тизимли равишда йўлга қўйилмоқда. Хусусан, айни пайтда вилоятда мавжуд 248 та ҚВП фаолиятини тубдан яхшилаш, самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилмоқда. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Носиров билан суҳбатлашганимизда тизимда олиб борилаётган ишлар кўлами ҳақида сўзлаб берди.

– Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида соғлиқни сақлаш тизими тубдан ўзгарди. Бу йўналишдаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"-ги Қонуни, "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида"ги Президент Фармони билан мустаҳкамланди, тартибга солинди. Бу ҳужжатларга мувофиқ, мамлакатимизда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича қишлоқ врачлик пунктлари ва шаҳар оилавий поликлиникалар тармоғини қамраб олган замонавий тиббий хизмат тизими ташкил қилинди.

Давоми 2-бетда.

## ИШОНЧ – ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ КУЧ

*Ўзгаларга наф келтириб яшаш олий саодатдир. Зотан, "Яхшидан боғ қолади", деган нақл бежизга айтилмаган. Айниқса, одамлар кўнглини олиш, уларнинг ишончига сазовор бўлиш ҳар бир раҳбардан масъулиятни ҳамиша чуқур ҳис қилиб, халқ дарди билан яшашни тақозо этади.*

### Сайловчи билан юзма-юз

Инсон манфаатларини таъминлашда халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яқиндан билиш муҳимдир. Бу жараёнда, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатлик гуруҳлари фаолиятини ҳам самарали ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Негаки, фуқаро қуйи бўғинда ҳал этилмаган муаммоси юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан баб-баравар ўзи сайлаган депутатдан нажот кутади. Юзага келган муаммога депутатнинг қатъияти, азму шижоати билан ечим топилишига ишонади.

Шу боис, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлари ҳам жойларда фуқаролар билан учрашиб, мавжуд вазият ва муаммоларни чуқур ўрганишмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири Қибрай туманидаги "Оққовоқ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилди. "Инсон манфаатлари – олий қадрият" мавзуида ўтказилган давра суҳбатида Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутатлари ўзлари мансуб округлардаги сайловчилар билан очиқ мулоқотга киришиб, фуқароларнинг таклиф, муаммо ва мулоҳазаларига қулоқ тутишди.

– Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган давр зиммамизга катта масъулият юкламоқда. Айниқса, биз, халқ вакиллари жойлардаги ҳақиқий аҳволни чуқур билишимиз, аҳолига қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим, – дейди депутат Дилбар Усмонова.

Мулоқот чоғида фуқароларимиз ўзларини қийнаётган муаммоларга ечим топиш билан бир қаторда, депутатлар томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар билан ҳам яқиндан танишдилар. Шунингдек, бу каби учрашувларни тез-тез ўтказиб туришга келишиб олинди.

– Очиқ мулоқотлар оддий одамларни ўйлантираётган муаммоларни жойида, бамаслаҳат ҳал этиш имконини кенгайтириши билан, айниқса, аҳамиятлидир, – дейди Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Рустам Тошхўжаев. – Одатда, бундай самимий суҳбатларда одамлар янада очилади, яхши таклифлар ўртага ташланади, муаммолар рўй-рост айтилади. Очиғи, одамларнинг фаоллиги, эртанги кунга, хусусан, давлатимиз сиёсатига ишончи юксак. Ўйлайманки, биз сайловчилар олдидаги масъулиятимизни чуқур ҳис этган ҳолда, барча масалалар ечимини охирига етказишимиз, бошқача айтганда, том маънода ишончга сазовор бўлишга интилишимиз зарур.

Эътиборлиси, бу каби учрашувлар махсус режа асосида вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳарларида ўтказилмоқда.

**Фарҳод ТОЛИПОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

### Жараён

## ҲАР БИР ОИЛА ЭЪТИБОРДА

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак" номли маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича оилалардаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муҳитни ўрганиш мақсадида қатор масъул ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Ишчи гуруҳ ўз фаолиятида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини, интеллектуал даражасини, оилалардаги маънавий муҳитни аниқлаш, жойлардаги муаммоларни ўрганиш, уларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш, юқори даражада ҳал этиладиган масалалар юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, оилалар даромадини ошириш бўйича фикрларни ўрганиб, зарур амалий ёрдам кўрсатиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг доимий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш каби қатор масалаларни атрофлича ўрганади.

– Вилоятда ўз фаолиятини бошлаган мазкур ишчи гуруҳнинг асосий мақсади – оилаларга кириб бориш, аҳолининг яшаш шароити билан яқиндан танишиш, турмуш даражасини янада юксалтиришга кўмаклашиш, – дейди Республика "Оила" илмий-амалий маркази мутахассиси Ҳулкар Абдуллаева. – Шунингдек, мавжуд муаммоларни ўрганиш, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳам гуруҳ зиммасидаги вазифалардан биридир.

**Ўз мухбиримиз.**

### Эҳтиром

*Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги Қарори асосида жойларда Ислом Каримов таваллуд топган сана муносабати билан маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.*

## МАНГУ БАРҲАЁТ СИЙМО

Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида ўтказилган "Ёрқин хотирангиз мудом ёдимизда" деб номланган анжуманда вилоят ва туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмиталари вакиллари, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ фаоллари, халқ таълими ходимлари, ёзувчи ва шоирлар, тилшунос олимлар, шунингдек, ёшлар иштирок этди.

Дастлаб, миллат жонкуяри, эл-юрт фидойиси Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган видеофильм намойиш этилди. Тадбирда сўз олган вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Файзиева, Ўзбекистон халқ шоири С. Саййид, профессор А. Мирзаев ва бошқалар мамлакатимиз Биринчи Президентининг халқ бахту саодати йўлидаги улкан хизматларини эътироф этар экан, бу хайрли саъй-ҳаракатлар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бошчилигида оқилона давом эттирилаётганини, хусусан, истиқлолимиз бунёдкори Ислом Каримов хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги Президент Қарори айни халқ дилидаги гап бўлганини таъкидлашди.

Шунингдек, бундай тадбирларда намойиш этилган буюк давлат арбобининг ҳаёти ва ижодига доир видеофильм, истиқлол йилларида Ислом Каримов бошчилигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, халқ фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталиги ҳамда ёшлар камолоти йўлида яратилаётган кенг имкониятлар хусусидаги фикр-мулоҳазалар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ВАТАНГА БАХШИДА УМР

*Дунёдаги ҳар бир халқ, ҳар бир миллат тарихида Ватанни севиш, унга садоқат билан хизмат қилиш борасида буюк жасорати, фидойилиги билан ўчмас из қолдирган улуғ зотлар кўп. Бошқача айтганда, ҳар бир куннинг ўз қуёши, офтоби, ҳар бир туннинг ўз ойи, моҳитоби бўлгани каби, ҳар бир халқнинг Яратган улуғ қилган инсонлари, мумтоз сиймолари борлиги ўша халқнинг буюк бахтидир.*

Тарих тақозоси билан ҳал қилувчи паллада майдонга чиқадиган, зиммасидаги улкан вазифани шараф билан адо этадиган улкан азму шижоат соҳибларининг ҳаёти ва фаолияти халқ учун, миллат учун фахр-ифтихор манбаи, ватанпарварлик тимсолига айланади. Авлодлар қалбидаги миллий ғурур, шаъну шараф туйғуси ҳар бир юртнинг ана шундай муносиб фарзандлари туфайли юксалиб, камолга етади. Айнан шундай улуғ инсонлар шарофати билан миллат ўзининг улкан миллатлигини, халқ ўзининг қандай қудратли халқ эканини англайди, ягона куч бўлиб майдонга чиқади.

Бу ҳақиқатлар кўпни кўрган, неча минг йиллик тарихи давомида не-не синовларни бошидан ўтказган, мард ва фидойи фарзандларининг садоқати туфайли тарихнинг энг қалтис йўлларидан ҳам ёруғ юз билан ўтган бизнинг халқимизга тўла дахлдордир. Бу билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

Узоққа бормасдан, мамлакатимизнинг кейинги 25 йиллик мустақиллик даври тарихини кўз ўнгимиздан ўтказайлик. "Чорак аср" деган иборага жо бўладиган шу қисқагина вақт оралиғида халқимиз нақадар оғир ва машаққатли синовлардан ўтди, илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган ютуқларга эришди.

Собиқ мустабид тузум даврида Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз сингари қадимий шаҳарларимиз, гўё бизнинг халқимиз, юртимизга мутлақо алоқаси йўқдек, "Ўрта Осиёнинг тарихий шаҳарлари", Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби алломаларимиз эса "Ўрта осиёлик олимлар" деб аталар, улар ҳақида жуда юзаки, бирёқлама маълумотлар берилар эди. Яъни, эл-юртимиз асрлар мобайнида қўлга киритган тарихий ютуқлар унинг ўзидан имкон қадар сир тутилар, айримлари ноилож тилга олинган тақдирда ҳам асли кимга тегишли экани айтилмасдан, эгасиз қилиб, "Ўрта Осиё" ибораси ортига яширилар эди. Фақат пахта ҳақида гап кетган тақдирдагина, "ўзбек" ва "Ўзбекистон" деган сўзлар тилга олинар эди, холос. Тарихда "Ўрта Осиё" деган давлат бўлмагани ҳаммага аён. Бинобарин, бу иборада "Амир Темур ва темурийлар давлати" бирикмасидаги каби қалбимизда миллий ғурур туйғусини уйғотадиган қудратли ва теран маъно, таъсирчан ҳиссиёт йўқ.

Собиқ Иттифоқ даврида ўзининг узоқ ва қадимий тарихи давомида буюк давлатлар, цивилизациялар яратган халқимизни ижодкорлик даҳосидан бутунлай маҳрум этиш, уни фақат пахта етиштиришга, қора меҳнатга ярайдиган куч сифатида кўрсатишдек маккор сиёсат олиб борилар эди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун шўролар замонида нашр қилинган энциклопедия ва маълумотномалар, дарсликларни варақлаб кўришнинг ўзи кифоя.

Давоми 3-бетда.

### Маънавият

## МУҲИМ ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

*Мамлакатимизда истиқлол йилларида миллий қадриятларни тиклаш, миллат ва халқнинг маънавий қиёфасини шакллантириш, ўзликни англаш йўлида меҳнат қилган маърифатпарварларимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, жаҳон илм-фанидаги ютуқлардан баҳраманд бўлиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бунинг самараси ўлароқ, ижтимоий турмушимизнинг барча жабҳасида ҳаётга нисбатан қараш ўзгарди, миллий ифтихор ва ватанпарварлик ҳисси шаклланди. Айниқса, мазкур йўналишдаги ишларни тизимли ташкил қилиш учун, аввало, ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш мақсадида "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги, "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги, "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда матбаа корхоналари ва нашриётлар сони ортиб, марказда ва жойларда замонавий технологиялар билан таъминланган ахборот-ресурс марказлари фаолияти йўлга қўйилишида муҳим аҳамият касб этди.*

Давоми 4-бетда.

# ТИББИЙ ХИЗМАТ – ЖИДДИЙ ХИЗМАТ



Бироқ, бугунги кунга келиб, соҳада бир талай муаммолар йиғилиб қолгани ҳам ҳақиқат. Давлатимиз раҳбари жорий йил аввалида ўтказган йиғилишда мана шу муаммоларга барчамизнинг эътиборимизни қаратиб, галдаги кечиктириб бўлмас ишлар ҳақида ниҳоятда асосли кўрсатмалар бердилар.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда вилоятдаги барча ҚВПларда кеч соат 22.00 га қадар навбатчилик йўлга қўйилди. Ички имкониятдан келиб чиқиб, энг малакали, тажрибали шифокорларни ҚВПга жалб этиш йўли билан аҳолига янада сифатли тиббий хизмат кўрсатишга астойдил бел боғлаганмиз. Бундан ташқари, 3 январдан бошлаб вилоят ҳудудида патронаж ойлиги бошланди. Ойлик доирасида ходимларимиз, мутасадди раҳбарларнинг ўзи уйма-уй юриб, аҳоли саломатлигини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишмоқда.

Бошланиши 1-бетда.

Дарҳақиқат, ҚВПнинг самарали фаолияти ҳудуддаги аҳолининг хотиржамлигини, эртанги кунга бўлган ишончини таъминлайди. Бунда эса мавжуд тиббий асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш, етарли билим ва салоҳиятга эга мутахассислар асосий ўрин тутадилар. "Дардингизга даво, ранжингизга шифо берсин", дейди халқимиз. Шу маънода, ширинсухан, одамлар билан чин қалбдан сўзлашиб, кўнглига йўл топиб, уларнинг дардини аритадиган шифокорлар ҳамиша халқимиз ардоғида. Чунончи, жойларда фаолият кўрсатаётган ҚВПлар, уларда меҳнат қилаётган тажрибали шифокорлар орасида ҳам ана шундай ўз касбини севган, юксак малакага эга ходимлар бор.

Паркент туманининг "Номданак" қишлоқ врачлик пункти ҳудудда яшовчи 6 минг 884 аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Фуқароларнинг саломатлигини текшириш учун тиббиёт маскани кечаю кундуз шай.

Ўтган йили Япония элчихонасининг 42 минг 800 долларлик грант маблағлари ҳисобидан муассаса 9 турдаги замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Эндиликда одамлар туман марказидаги поликлиникага даво излаб боришига ҳожат йўқ. Сабаби, малакали шифокорлар саъй-ҳаракати ва замонавий тиббий технологияларнинг мавжудлиги туфайли мажмуанинг имкониятлари кенгайди.

Замонавий ускуналар билан ишлаш жараёни ҳам тиббий хизмат сифатини оширмоқда. Лаборатория учун микроскоп, биокимёвий анализатор ускунаси, офтальмоскоп, отоскоп ва ЭКГ аппаратлари аҳолига беминнат хизмат қилмоқда.

– Фарзандларимизнинг саломатлигини яхшилаш учун бу ерда барча шароитлар бор, – дейди шу қишлоқда яшовчи Марҳамат Жўраева. – Шифокорлар томонидан тегишли тавсиялар берилиб, ўз вақтида муолажаларни тўғри ва сифатли бажарилаётгани мени жуда қувонтирди.

Шамшибой Умиров раҳбарлигидаги муассасада 3 та умумий амалиёт шифокори, битта тиш шифокори ҳамда 16 ҳамшира фаолият юритмоқда. Айниқса, патронаж ҳамшираларининг фаоллиги туфайли оналар ва болалар орасида касалликка чалиниш ҳолатлари анча камайган.

Юртимизда жорий йил "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинди. Энди бу борадаги ишлар янги босқичга чиқиши шубҳасиз.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*

❑ Анжуман

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясида "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили талабларининг бажарилишида жамоат ташкилотларининг ролини ошириш" мавзуига бағишланган матбуот конференцияси ташкил этилди. Унда Самарқанд вилоятида ўтказилган уч кунлик амалий семинар якунлари ва келгусида бу борада олиб бориладиган ишлар хусусида сўз борди.*

# ОДАМЛАРНИ ТИНГЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Семинар ишида тармоқ ва ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари, хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати каби қатор ташкилотлар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбар ва мутасаддилари иштирокида оддий одамлар, оилалар билан очиқ ва самимий мулоқотлар ўтказилгани, аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланганини, улар ижроси юзасидан жамоатчилик назорати ўрнатилгани ҳақида маълумот берилди.

Мулоқотлар давомида аниқланган муаммоларнинг аксарияти шу жойнинг ўзида ҳал этилиши мумкинлиги, бунинг учун мутасадди ташкилотлар масъулияти зарурлиги таъкидланди. Анжуман доирасида юқорида тилга олинган жамоат ташкилотлари ўртасида мазкур йўналишда ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ЛИМОН ЭКИНГ, МИЛЛИОН ТОПИНГ

*Тошкент Давлат аграр университетида ресурсларни тежайдиган илғор агротехнологияларни қўллаб, лимон, ёнғоқ ва ёнғоқмевали ўсимлик кўчатларини етиштириш, плантацияларини барпо қилиш соҳасидаги муаммо ва ечимлар мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.*

❑ Омилкорлик



Вилоят ўрмон хўжалиги ходимлари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, бир қатор ҳамкор ташкилотлар вакиллари, ёш изланувчилар ҳамда талабалар иштирок этган тадбирда тадқиқотчи олимлар мамлакатимизда етиштириладиган лимон навлари ва уларни кўпайтиришнинг турли усуллари, грек ёнғоғи ва бошқа ёнғоқмевали дарахтлар кўчатини етиштириш йўлидаги изланишлар ҳақида маълумот бердилар.

– Мамлакатимиз иқлим шароитида лимоннинг асосан 3 нави етиштирилади, – дейди университетнинг "Мевачилик ва узумчилик кафедраси" доценти Нуриддин Зайниддинов. – Шулардан "Тошкент" лимони энг мақбул навлардан бўлиб, ранги тўқсариқ, таъми тотли, пўсти билан истеъмол қилинадиган, жуда харидоргир. Юқори ҳосилдорлиги туфайли шахсий томорқаларда бу навни экишга қизиқиш катта. Бундан ташқари, томорқа эгаларига "Юбилейный" навини тавсия қилаяпмиз. Сабаби, бу нав қайта ишлашга мослаштирилган бўлиб, таркибида 7 фоизгача лимон кислотасини сақлайди. Яқин кунларда Қибрай туманида лимонни қайта ишлаш линиясини барпо этиш режага киритилган бўлиб, ҳудуддаги фермер хўжаликлари билан келишиб, янги лимонзорлар ташкил қилинмоқда. Ҳосилнинг ҳаммаси келишилган нархда қайта ишлаш корхонасига топширилади. Натижада, фермерлар етиштирган маҳсулотларига харидор қидириш ёки экспорт қилиш каби ташвишлардан озод бўладилар.

Семинар давомида бу йўналишлардаги боғларни кенгайтириш, шу жумладан, ташландиқ ва унумдорлиги паст ерларга тез мослаша оладиган ёнғоқмевали дарахтларни кўпайтириш бўйича кўплаб фойдали таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

**Лазиз ИСОҚОВ.**
*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*

❑ Партиялар ҳаётидан

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Паркент тумани ҳокимлигида "Аёл ишга қўл урса..." мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.*

# АЁЛ ИШГА ҚЎЛ УРСА...

Хотин-қизларда ишбилармонлик, ташаббускорлик ва етакчилик фазилатларини юксалтириш, тадбиркорликка қизиқувчиларнинг соҳа мутахассислари билан мулоқотини уюштириш ҳамда муайян ютуқларга эришган тадбиркор аёлларнинг тажрибасини оммалаштириш мақсадида ташкил этилган тадбирда партиянинг "Аёллар қаноти" фаоллари, туман кенгаши аъзолари, ҳамда ёшлар иштирок этди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ишбилармон, ташаббускор аёлларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш, касаначилик асосида янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Корхона ва маҳаллаларда "устоз-шогирд" анъанаси асосида ҳунармандчиликни ривожлантиришга ҳам кенг ўрин берилаётир. Кўплаб уй бекалари, қизлар шу асосда касб-ҳунарли бўлиб, оилаларига қўшимча даромад келтираётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган партия лойиҳалари ана шундай мақсад рўёбига хизмат қилмоқда.

Тадбирда, шунингдек, "Микрокредитбанк", "Тадбиркор аёл" уюшмаси туман филиали ва бўлинмалари мутасаддилари ҳамда тажрибали ҳунарманд аёллар иштирокчиларга бизнес юритиш юзасидан йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беришди.

# ТАҲЛИЛ, САБОҚ, ХУЛОСА

*Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.*

*Унда партиянинг вилоят кенгаши масъул ходимлари, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳи аъзолари иштирок этди.*



Йиғилишда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга қаратилиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг бу жараёндаги асосий вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси ва аҳамияти, уни амалга оширишда партиянинг вазифалари юзасидан ҳам таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, партия вилоят кенгашининг 2016 йилдаги фаолияти якунлари танқидий таҳлил қилиниб, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида партия олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*

# МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ МУҲОФАЗАДА

*Вилоят меҳнат бош бошқармаси томонидан Юқори Чирчиқ туманида меҳнат қонунчилиги ва муҳофазаси мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди.*

❑ Бизга ёзадилар

Тадбирда аҳоли, айниқса, ёшлар ва ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, янги иш ўринлари очиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги Низомнинг 3-бандида шу тоифадаги фуқароларни маҳаллий ҳокимликлар қарори билан банд қилиб қўйилган иш ўринларига жойлаштириш белгиланган. Мажлис давомида бу борада корхона, ташкилот ва муассасалар зиммасига юклатилган вазифалар, ходимлар меҳнатига белгиланган муддатларда ҳақ тўлаш, уларни ноқонуний тарзда ишдан бўшатишга йўл қўйилмаслиги билан боғлиқ мавзулар юзасидан фикр алмашилди.

Йиғилишда мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар бир иш берувчи (мансабдор шахслар) томонидан ходимнинг меҳнатга оид муносабатларда қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқларини бузишга йўл қўйилмаслиги, бундай ҳолат юз берганда ёки муаммолар туғилганда, фуқароларнинг бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат этишлари мумкинлиги таъкидланди ва бу борада тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Тадбирда 2017 йилнинг мамлакатимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилиниши муносабати билан жойларда бундай учрашув ва мулоқотларни доимий ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланганини, шунингдек, Меҳнат вазирлиги, вилоят меҳнат бош бошқармаси ва бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан фуқароларни корхона, ташкилот ва муассасалардаги бўш иш ўринлари ҳақидаги ва бошқа маълумотлар билан тезкор таништириш мақсадида электрон хизматлар йўлга қўйилгани айтиб ўтилди.

Эркин мулоқот шаклида ўтган семинарда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Ў. ТУРСУНБОЕВ,**
**вилоят меҳнат бош бошқармаси инспектори.**

❑ Ислоҳот

*Вилоятимизда юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослашган қайта ишлаш корхоналари кўпаймоқда.*

# «BO'STONLIQ PLASTEKS» ИШГА ТУШМОҚДА

Бўстонлиқ туманидаги Чорбоғ шаҳарчасида яқинда тўлиқ фойдаланишга топширилиши режалаштирилаётган "Bo'stonliq Plasteks" масъулияти чекланган жамиятини ана шундай ишлаб чиқариш объектлари сирасига киритиш мумкин. Ушбу корхона илғор технологиялар асосида пахта толасидан халқаро стандартларга мос юқори сифатли ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий, "Асака" акциядорлик тижорат ҳамда "Азия Алянс" банкларининг 7,4 миллион евро кредит маблағи ҳисобига бунёд этилган мазкур корхона жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчилари, хусусан, Германиянинг "Truetzschler" ва "Schlafhorst", Туркиянинг "Tesman" компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Корхона пахта хом ашёсини қайта ишлаб, йилига 9 минг 500 тонна сифатли ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга. Маълумки, ривожланиб бораётган бозорнинг талаби қаттиқ. Айниқса, бугунги кунда унга кириш ва мустаҳкам ўрин эгаллашнинг ўзи бўлмайди. Шуларни ҳисобга олган корхона мутасаддилари ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида лаборатория фаолиятини йўлга қўйди. Бу бежиз эмас. Зеро, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг 70-80 фоизини Хитой, Россия, Белорус, Туркия, Бангладеш ҳамда Европанинг бир қатор давлатларига экспорт қилиш режалаштирилган. Ушбу давлатлар билан дастлабки келишувлар мавжуд.

Маълумотларга кўра, корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлаши билан 350 нафар киши иш билан таъминланади. Эътиборлиси, уларнинг асосий қисмини ҳудуддаги касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этади. Шу кунларда ўқув юртлари билан қўшимча ташкил этиладиган иш жойларини малакали мутахассислар билан таъминлаш юзасидан шартномалар имзоланмоқда.

Албатта, замонавий корхона, илғор технологиялар асосидаги машина ва ускуналарни бошқариш учун етарлича малака ва тажриба талаб этилади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, ишчи-хизматчиларнинг касб маҳорати, малакасини ошириш, уларни замонавий технологияларда мустақил ва эркин фаолият юритишини таъминлаш учун махсус амалий-тажриба, таълим курслари ташкил этилди.

Корхонада ишчи-хизматчилар меҳнатини ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва муносиб дам олишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Ишчиларга кунлик тўрт маҳал иссиқ овқат ташкил этилгани, уларнинг ишга келиб-кетишлари учун махсус автобуслар қатновининг йўлга қўйилгани эътиборга молик.

– Мамлакатимизда яратилган қулай инвестициявий муҳит, қаратилаётган улкан эътибор, берилаётган имтиёз ва имкониятлар тадбиркорлик соҳасининг жадал ривожланишида муҳим омил бўлмоқда, – дейди "Bo'stonliq Plasteks" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Асқар Иноғомов. – Бу имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб, янги ишлаб чиқариш тармоқларини йўлга қўймоқдамиз. Асосий мақсадимиз – сифати халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида амалга оширилаётган бундай истиқболли лойиҳалар аҳоли бандлиги ва саноат салоҳиятини ошишига хизмат қилиш билан бирга, тадбиркор ва ишбилармонларга эркин ва самарали иш юритиш, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишда янги имкониятлар яратаётгани билан муҳим аҳамият касб этади.



Ушбу ишлаб чиқариш объектини тўлиқ ишга тушириш арафасида турган Асқар Иноғомов яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида Қорақалпоғистон Республикасининг Қоракўл шаҳрида бўлиб ўтган давра суҳбатида иштирок этди. Тадбиркорнинг айтишича, у Қорақалпоғистонда ҳам "Bo'stonliq Plasteks" каби корхона очиш бўйича келишувга эришган. Бу борада дастлабки лойиҳалаш ишлари бошлаб юборилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Реклама ва эълонлар

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 21 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани СИБ томонидан 22.07.2016 йилдаги 5545/5546/5547/5548-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Саноат зонасидаги умумий қурилиш майдони 978 кв.м.дан иборат нотураржой бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси – 250 000 000 сўм. 2. Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 10.09.2014 йилдаги 1-4676/14-сонли ижро варақасига асосан, 24.07.2015 йилда қўзғатилган 32727/17-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Кўксарой ҚФЙ, Келес кўчасидаги умумий 1 340 кв.м ер майдонида жойлашган, ишлаб чиқариш цехи биноси, бошланғич баҳоси – 200 000 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.rgbusiness.uz, Телефон: (8371) 233-09-38.

Лицензия RR-0052.

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2016 йил 7 ноябрдаги 16260/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Unifood agpo" МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Янгиобод қўрғони, Перевалбаза кўчасида жойлашган, умумий майдони 15300 кв.м бўлган, "совутгич" бино ва иншоотлари қўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 334 909 375 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 6 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 2 март соат 18.00 гача.

II. Аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан ФИБ Тошкент вилояти судининг 2016 йил 15 майдаги 9386/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Булоқбоши кўчаси, 24-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 0,1036 га бўлган, 0001-рақамли литерларда жойлашган нотурар бино иншоотлар такрорий қўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 148 471 219 сўм 80 тийин.

Аукцион савдоси 2016 йил 16 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 14 февраль соат 18.00 гача.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А. Авлоний кўчаси, 20-А уй. (Тошкент шаҳар Меҳнат бошқармаси 10-, 11-хона) Тел./факс: (0371) 253-20-28. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR-0001.

Семинар

*Вилоятимизда табиат бойликларини муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни утилизация қилиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.*

# ТАБИАТНИ АСРАШ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ташкил этилган семинарда қўмита масъул ходимлари, тегишли бошқармалар, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими вакиллари, экологлар ва журналистлар иштирок этди.

Мамлакатимизда атроф-муҳит мусаффолигини асраш, экологик муаммоларни бартараф этиш, уларнинг салбий оқибатлари олдини олишга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Соҳадаги муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилгани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида", "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Чиқиндилар тўғрисида", "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик мувозанатни таъминлашда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Семинарда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг янада самарали, замонавий чораларини ишлаб чиқиш, саноат корхоналарида модернизация жараёнларини амалга ошириш, кам чиқитли технологияларни жорий этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. "Вилоят ҳудудида жойлашган субъектлар томонидан тегишли талабларга риоя этилишини таъминлаш", "Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддаларнинг меъёрдан ортиқча ташланишига йўл қўймаслик", "Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини утилизация қилиш масалалари" мавзуларида маърузалар тингланди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат тузилмаларига табиий бойликларни муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш борасида тегишли тавсиялар берилди.

**И. АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернетдаги манзили – www.thtp.uz орқали ҳам танишишингиз мумкин.*

# ВАТАНГА БАХШИДА УМР

Мустақиллик бундай адолатсизликларга бутунлай чек қўйди. Юртимизни, тарихимизни, маданий меросимизни том маънода эгали қилди. Бу бойликларнинг барчасини уларнинг ҳақиқий ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимизга қайтарди. Биринчи Президентимиз, мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримов халқимизнинг ана шундай қонуний ҳақ-ҳуқуқини тиклаш, унинг ҳурматини жойига қўйиш мустақилликнинг асосий вазифаси эканини таъкидлаб, бундай деган эди: "Бу юртнинг эгаси бор. Бу юртнинг эгаси – заҳматкаш, олижаноб, кўпни кўрган, иродаси мустаҳкам, иймони бутун халқимиздир. Эгаси бор юрт ҳеч қачон душманга оёқости бўлмайди".

Мустақиллик – қанча-қанча аждодларимиз учун армон бўлган улуғ сўз, бизга, бугунги авлодларга насиб этган буюк неъмат, чексиз имконият. Унга эришиш инсондан, халқдан мислсиз жасоратни талаб қилади. Айни вақтда мустақилликни аниқ маъно-мазмун, янги қадрият, тушунча ва тасаввурлар билан тўлдириш, замоннинг ўта мураккаб саволларига жавоб бера оладиган пишиқ-пухта мафкура, амалий ишлар, турли соҳалардаги ютуқлар билан мустаҳкамлаш янада улкан меҳнат, тинимсиз изланиш ва ҳаракатларни талаб этадиган узоқ ва машаққатли жараёндир. Тасаввур қилинг, уларнинг муваффақияти учун бутун масъулиятни зиммасига олган давлат раҳбари ана шу жараёнларни ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқада қалбидан, юрагидан ўтказиб яшайди. Ҳаётининг маъносини ана шу жараёнларнинг элу юртга фойдаси тегадиган натижаларга эришиш, элу юртни рози қилишда деб билади. Ўтмиш, бугунги кун ва келажакни хаёлан бирлаштириб, барчасини бир бутун ҳодиса сифатида таҳлил қилиб, энг тўғри қарорлар қабул қилишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам дунё сиёсатшунослигида буюк ислоҳотчилар ҳақида гап кетганда, аввало, "фидойилик", "улкан ақл-заковат", "метин ирода", "воқеалар ривожини олдиндан кўриш" деган сўзлар, таърифлар тилга олиниши бежиз эмас.

Албатта, улуғ ислоҳотчиларнинг фаолияти, ўз халқи ва Ватанининг бахту саодати йўлида амалга оширган, дунё миқёсида эътироф этилган улкан ишлари ҳақида китоблар ўқиш, фильмлар кўриш – бошқача таассурот уйғотади кишида. Айни вақтда шундай улуғ зотлар билан замондош бўлиб, улар бошлаган кенг кўламли ислоҳотларда бевосита иштирок этиб, уларнинг суръати, шиддати, амалий натижаларини ўз кўзимиз билан кўриш, ҳис этиш, улардан илҳомланиш – бу энди бутунлай бошқа бир олам. Бу оламнинг ҳис-туйғулари, эсдалик ва хотиралари қалбимизни бир умр ҳаяжонга солиб, бизни янги-янги ўй-фикрлар, мулоҳазаларга, ҳаётий хулосалар чиқаришга, керак бўлса, ҳаёт тарзимиз, маънавий оламимизни бутунлай ўзгартиришга ундайди.

Айниқса, ижод аҳли учун шундай таассуротларга ошно бўлиш, халқнинг уйғониши ва тикланиши, унинг бунёдкорлик қудратини, ҳақиқат ва адолат тантанасини бевосита ўз кўзи билан кўриш – улкан бахт ва шарафдир. Шу маънода, биз – адабиёт, маданият соҳаси вакиллари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, барчамизнинг қалбимизда, юрагимизда сўнмас из қолдирган муҳтарам Ислом Каримов билан бир даврда, Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинган ва амалда таъминланган йилларда яшаб, у кишининг раҳнамолигида олиб борилган, таърифига сўз ожиз бўлган буюк ишларга гувоҳ бўлганимиздан доимо фахрланамиз.

Ижодкор инсон учун она юрт, халқ,

Бошланиши 1-бетда.

миллат тақдири, ҳақиқат, адолат, ғурур, шаъну шараф тушунчалари ҳамма замонларда ҳам энг олий идеал, муқаддас туйғулар, оташин илҳом манбаи бўлиб қолади. Биз шундай улуғ туйғулардан илҳомланиб, тарихимиз, бугунги ҳаётимизнинг энг муҳим воқеаларини қалбимизда, шууримизда қайта жонлантириб, гоҳ журъат, гоҳ журъатсизлик билан ижод қилар эканмиз, беихтиёр онгимиз, тасаввуримизда бошқа буюк ватандошларимиз қатори Ислом Каримовнинг муаззам сиймоси ҳам бутун улуғворлиги билан намоён бўлади.

Бу ҳақда фикр юритганда, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг барчамиз, бутун халқимиз қалбидаги бу табаррук зотга бўлган самимий меҳр-муҳаббатнинг яққол ифодаси сифатида баён қилинган қуйидаги сўзларини эслаш, таъкидлаш ўринли, деб ўйлайман: **"Муҳтарам Ислом Абдуғаниевичнинг босиб ўтган умр йўллари, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш борасидаги тарихий хизматлари барчамиз учун, шу жумладан, мен учун ҳам энг ёрқин ибрат намунаси ва катта ҳаёт мактаби бўлиб қолади."**

Айниқса, Ислом аканинг халқимиз ва Ватанимизни буюк муҳаббат билан севгани, унинг учун ҳар қадам, ҳар нафасда жонини фидо қилишга ҳам тайёр бўлганларига мустақиллик тарихи давомида неча бор гувоҳ бўлганмиз. Юртбошимизнинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида, бирбиридан мураккаб, илгари тажрибамизда учрамаган кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда кўрсатган ташаббуси, куч-ғайрати, тафаккур кенглигини кўриб, буларнинг барчаси бир инсонда мужассам эканига қойил қолар эдик. Энди чуқурроқ ўйлаб, мулоҳаза қиладиган бўлсак, буларнинг ҳаммаси учун айнан Ватанга, халқимизга бўлган буюк муҳаббат куч-қудрат, илҳом, интилиш манбаи бўлиб хизмат қилган экан.

Биринчи Президентимиз ким билан, қайси касб эгаси билан гаплашмасин, мавзунинг, ишнинг негизига теран кириб, шу соҳанинг моҳир устаси сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлар эдилар. Айниқса, мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида оддий одамлар – фермерлар, тадбиркорлар, темирйўлчилар, қурувчилар, ёшлар, кексалар, хотин-қизлар, маҳалла фаоллари билан учрашганларида, худди ўзи учун қадрдон инсонларни кўргандек, чин дилдан, юракдан суҳбатлашар эдилар. Чунки, ҳар бир инсон тимсолида Ватанимизни, халқимизни, унинг тенгсиз бунёдкорлик кучини кўрар эдилар.

Она юртга бўлган чексиз муҳаббат инсон қалбида улуғ мақсадларни ва шу мақсадларга эришиш учун қатъий ирода, интилиш ва шижоатни тарбиялайди. Улуғ мақсадлар одамни янада кучли, маънавий жасоратли қилади.

Ислом Каримовнинг раҳбарлик фаолияти – бу жасорат ва фидойилик билан йўғрилган йўл десак, хато бўлмайди. 1989 йил 25 июнда, Ўзбекистон раҳбари этиб сайланган кундан бор-йўғи бир кун ўтиб, Фарғона вилоятига – жанжал-тўполонлар гирдобида қолган шаҳар ва қишлоқларга дадил кириб бориб, оддий одамларнинг дардига дармон бўлгани у матонатли зотнинг қалбида элу юрт ташвиши билан яшаш, ҳар қандай шароитда ҳам унга садоқат билан хизмат қилиш, қийинчиликлардан қўрқмаслик туйғуси қанчалик юксак эканини кўрсатади. Кейинчалик Ўш, Наманган, Бўка, Паркент воқеалари, Тошкент шаҳри ва Андижондаги даҳшатли террорлик хуружлари, қонли фожиалар пайтида Юртбошимиз кўрсатган жасоратнинг тарихий аҳамиятини бугунги тинч-осойишта, обод ва фаровон ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлиб яшаётган халқимиз яхши билади ва доимо миннатдорлик билан эслайди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида қизил империянинг даҳшатли қатағон машинасига қарши мардона қарши чиқиб, "пахта иши", "ўзбек иши" деган сохта айбловлар билан қамалган минг-минглаб бегуноҳ инсонларни зулм чангалидан қутқариб қолган раҳбарнинг ҳаракатларини фақат жасорат деган биргина сўз билан ифода этиш ҳақиқатнинг фақат маълум бир қиррасини айтиш, англатиш билан баробардир. Бунинг замирида хўрланган, шаъни, ғурури топталган қанча-қанча инсонлар олдида, бутун халқ, ўтмиш ва келажак олдида ўзининг тарихий миссияси – ижтимоий вазифаси, чинакам Етакчилик масъулиятини чуқур ҳис этиш, дунёни, ўзининг элу юртини, унинг фарзандларини бекаму кўст, мукаммал ҳолда кўриш ва шунга бор вужуди билан интилиш ҳисси мужассам эмасми?

Ҳақиқатан ҳам, мустақилликка эришиб, биз учун дориламон кунлар бошланган паллада бу орзулар янада аниқ ва теран маъно касб этди. **"Ўзбекистон – келажаги буюк давлат", "Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз ҳам", "Фарзандларимиз биздан кўра билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт"**, деган халқимиз ўртасида шиорга айланиб кетган ҳикматли иборалар ана шу асосда пайдо бўлган эди.

Ислом Каримов барча соҳалар қатори миллий адабиётимиз ривожига ҳам доимо улкан эътибор билан қараб келар эдилар. У киши адабиёт – маънавиятни шакллантирадиган, юксалтирадиган, миллатнинг руҳий-интеллектуал тараққиётини белгилаб берадиган энг муҳим омиллардан бири деб ҳисобларди. Мустақилликдан кейин, озод ва эркин ҳаёт шароитида миллий адабиётимиз қандай ривожланиши, қандай тамойилларни ўзининг бош вазифаси сифатида белгилаб олиши лозим, деган масалалар атрофида турли баҳс-мунозаралар бўлиб ўтган пайтларни яхши эслаймиз. Биринчи Президентимиз **"Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор"** рисоласида миллий адабиётимизнинг ривожланиш йўлларини методик жиҳатдан жуда аниқ-равшан кўрсатиб бердилар. Ушбу рисолада адабиёт ўзига хос сирли олам экани, бу оламга ташқаридан аралашиб бўлмаслиги, яъни у эркин ривожланиши лозимлиги таъкидланди. Айни пайтда адабиёт миллат ва халқ маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми сифатида унинг ҳаётида бўлаётган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлардан четда, томошабин бўлиб жим қараб туролмаслиги ҳам алоҳида қайд этилади. Яъни, адабиёт ўзига хос индивидуал ҳодиса бўлиши билан бирга, инсон, халқ, жамият ҳаётини бадиий акс эттирадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ҳам катта вазифаларга эга экани, буни эътибордан соқит қилиб бўлмаслиги ҳам уқтирилган эди.

Шу маънода, адабиёт бу – ижодкорнинг кўнглига, фикру хаёлига нима келса, барчасини "менинг услубим – шу" дея қоғозга тушириш эмас, балки инсоният олдидаги бурчини, вазифасини ҳис этган, ҳар бир индивидуал ҳолатни ижтимоий даражага кўтарган ҳолда қалам тебратиш, ижод қилиш, фикрлаш, бошқаларни ҳам ўйлаш ва фикр юритишга, ҳаётда фаол бўлишга даъват этиш экани бу рисолада атрофлича ёритиб берилади.

Айнан Биринчи Президентимизнинг ташаббуси билан Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний каби ўнлаб мумтоз адиб ва шоирларимизнинг ижодий мероси қайта тикланди, адабиётимизнинг кемтик нуқталари бутланиб, унинг жароҳатларига малҳам қўйилди.

Мустақиллик йилларида бадиий ижод соҳаси вакиллари, жумладан, шоир ва ёзувчилар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларнинг тиббий, маиший ва дам олиш шароитларини яхшилаш, эндигина адабиёт оламига кириб келаётган ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг биринчи китобини давлат ҳисобидан чоп этиш бўйича ўзига хос самарали тизим яратилди.

Адабиётимизнинг етук дарғалари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсупов, Суйима Ғаниева каби устоз адибларимиз, шоир ва олимларимиз Ўзбекистон Қаҳрамони олий унвонига сазовор бўлганлари, қанча-қанча устозларимиз, ҳамкасбларимиз давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланганлари – буларнинг барчаси адабиётимизга бўлган юксак эътибор намунасидир. Ана шундай ҳамкасбларимиз орасида менга ҳам "Ўзбекистон халқ шоири" унвонини шахсан Биринчи Президентимизнинг қўлларидан олиш насиб этгани билан доимо фахрланиб яшайман.

Ҳамма соҳалар қатори миллий адабиётимиздаги ўзгариш ва янгиланишларни ҳам диққат билан кузатиб борадиган улуғ Юртбошимиз 2004 йили "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида "Огоҳ бўл, дунё!" достонимдан эълон қилинган парчани ўқиган эканлар. Бу ҳақда алоҳида фикр билдириб, достонда мавзу қамровини кенгайтириш, терроризм бутун инсоният бошига тушган глобал миқёсдаги бало эканини янада таъсирчан образлар, шеърий кечинмалар, драматик ҳолатлар орқали кўрсатиш, унинг аҳамиятини янада оширган бўларди, деган таклиф-мулоҳазаларини айтган эканлар. Мен ана шу фикр-мулоҳазалар асосида достонни қайта ёздим. Адабий жамоатчилик, ҳамкасб дўстларим достоннинг қайта ишланган шакли ҳақида яхши муносабат билдиришди. Ана шундай меҳр, эътиборни мен доимо қалбимда сақлаб, Юртбошимизнинг табаррук сиймосини ҳар доим миннатдорлик билан эслайман.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари қатори миллий адабиётимизни ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам янги босқичда изчил давом эттирилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кейинги чиқишларида бу йўналишдаги долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 январда имзолаган "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши бутун китобхон халқимизни, айниқса, биз қалам аҳлини жуда хурсанд қилди.

Ўша кунлари вилоятимиз туманларидан бирида яшаб ижод қилаётган ёзувчиларимиздан бири телефон қилиб: "Янгиликдан хабарингиз борми, табриклайман, бу – жуда зўр бўпти-ку, фармойишни ўқидингизми ўзи?", деб сўраб қолди. Кейин мамнуният ва ҳаяжон билан мақсадини баён қилди: "Биласизми, янги бир китоб ёзишни режалаштириб юрган эдим. Лекин кўнглимда бир оз иккиланиш, тайсаллаш бор эди. Ёзганим билан қаерда чиқараман? Чиқарганимдан сўнг уни кимга сотаман? Ҳозирги кунда сенинг китобинг кимга керак? Ана шундай кўпдан-кўп саволлар кўнглимни ғаш қилиб, йўлимда кўринмас тўсиқ бўлиб турган эдида, дўстим. Мана, энди бу саволларнинг ҳаммаси ечилди, ечилди! Кечанинг ўзида ишга киришдим, Худо хоҳласа, ҳадемай ёзиб битираман! Ёзувчининг дардини тушуниб, унга мадад бўлган раҳбар кам бўлмайди, Президентимизга раҳмат, кам бўлмасинлар!"

Бу сўзлар фақат ўша ҳамкасбимнинг эмас, балки юртимиздаги минг-минглаб ижодкорлар, китобхонларимизнинг ҳам кўнглидаги гап эди, десам адашмаган бўламан.

Биз – адабиёт аҳли "Ватанга бахшида умр" деган иборани кўп ишлатамиз. Шундай сарлавҳа билан мақолалар, китоблар ёзганмиз. Албатта, муқаддас Ўзбекистон заминида яшаб, унинг тупроғи, суви ва ҳавосидан, элу юртимизнинг чексиз меҳридан баҳраманд бўлган ҳар қандай онгли инсон ўз ҳаёти, умрининг ҳеч бўлмаса бир қисми, кичик бир заррасини шундай неъматлар шукронаси учун бахшида этади.

Бу – ҳақиқат.

Айни вақтда элу юртнинг бутун тақдири, бахти ва келажаги учун тоғдек залворли масъулиятни зиммасига олган халқ етакчилари ўз умри, ҳаётини кечаю кундуз бедор ва беҳаловат ўтказиб, Биринчи Президентимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида таъкидлаб айтганидек, заррама-зарра, томчи ва томчи шу улуғ мақсадларга бағишлаб яшайдилар.

Бу ҳам ҳақиқат.

Айни шу нуқтаи назардан қараганда, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳаёти, фаолияти том маънода Ватанга бахшида умр сифатида ҳақиқатан ҳам барчамиз учун олий ибрат намунаси бўлиб қолади.

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# ХОНАДОНЛАР «ХАЗИНАСИ»

*Шу йилнинг 20-21 январь кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада оширишга қаратилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан учрашиш ва мулоқот қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.*

Паррандачилик



Икки кунлик ташриф доирасида давлатимиз раҳбари республика халқ вакиллари ва фаоллари билан учрашди. Учрашувда долзарб масала ва муаммолар муҳокама этилди. Масъул раҳбарларга қишлоқ жойларда оилалар даромадини ошириш мақсадида бир қатор, хусусан, ҳар бир оилада камида 100 та товуқ боқишни йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимизнинг бу масалага алоҳида эътибор қаратиши бежиз эмас, албатта. Зеро, товуқ боққан, кўпайтирган одам кам бўлмайди – дастурхони янада тўкинлиги, фаровонлиги таъминланади. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шу ўринда бир мисол. Зангиота тумани, "Гулбоғ" маҳалласидаги ҳовлилардан бирида яшовчи Расулжон Мамаюсуповнинг элликта товуғи бор.

– Ҳар куни камида 30-35 дона тухум оламиз, – дейди Расулжон ака. – Уни сотиш учун йўлкира, вақт сарфлаб бозорга боришга ҳожат йўқ – уйга келиб олиб кетишади. Биз унчалик эътибор қаратмайдиган бу иш – товуқ боқиш аслида ҳар тарафлама фойдали. Товуқ тухуми ва гўшти харидоргир. Бу маҳсулотлар оила фаровонлиги, бозорлар мўл-кўллиги, арзончилигини таъминласа, пати саноатда кенг ишлатилади.

Соҳа вакилларининг айтишича, баҳор ва ёз ойлари парранда кўпайтиришнинг айни вақти. Расулжон ака жорий йилда шу имкониятдан фойдаланиб, товуқлар сонини юздан оширишни ният қилган. Негаки, элликта товуғи юзтага етса, даромад ҳам икки ҳисса ошади.

Тошкент шаҳрининг "биқини"да жойлашган Зангиота туманида Расулжон Мамаюсупов сингари паррандачилик билан шуғулланаётганлар талайгина. Кейинги йилларда ҳудудда паррандачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган янги корхоналар пайдо бўлмоқда. "Туркистон нури" масъулияти чекланган жамияти ана шулардан биридир.

Фаолият бошлаганига унча кўп бўлмаган мазкур корхонада айни кунда 25 мингга яқин жўжа, 30 мингдан кўпроқ товуқ боқилмоқда. Улардан кунига ўртача 20 минг донадан зиёд тухум олинаётир. Маккажўхори, буғдой каби донлар билан озиқлантирилаётган парранда тухуми Тошкент шаҳри ва вилоятидаги бозор ва озиқ-овқат дўконларига арзонлаштирилган нархларда етказиб берилаётир.

– Паррандачилик – нозик, шу билан бирга сердаромад соҳа, – дейди мазкур корхона иш бошқарувчиси Аҳмаджон Йўлдошев. – Унинг ўзига яраша машаққати бор, сабр-тоқат талаб қиладиган иш. Мисол учун, жўжаларнинг тухумга кириши беш ой кутилади. Бу даврда уларни белгиланган ҳароратда, турли касалликлардан асраган ҳолда парвариш қилиш зарур. Акс ҳолда кутилган натижага эришиб бўлмайди. Тухумга кирган паррандадан 13 ой шу маҳсулот олинади, кейин гўштга топширилади. Шу тариқа, иш давом этади.

Калорияли, витаминларга бой тухум ва товуқ гўшти овқатланиш рационимиздан мустаҳкам ўрин олгани бор гап. Зеро, ушбу неъматлар одамнинг турли касалликларга қарши иммунитетини оширади, соғлом ва кучли бўлишини таъминлайди.

Айни кунда бутун мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимизда, жумладан, Зангиотада паррандачиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда – ушбу тармоқ равнақи аҳоли бандлиги, фаровонлиги, бозорларимиз тўкин-сочинлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканида.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*

Агар огоҳ сен...

*Қибрай туманида ёшларни "оммавий маданият", диний экстремизм, гиёҳвандлик сингари ёт ғоя ва иллатлардан муҳофаза қилишга йўналтирилган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.*

# ЭНГ БЕБАҲО БОЙЛИК

Туман ички ишлар бўлими вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, ёшлар ва кенг жамоатчилик иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, бу борадаги ишларга ҳисса қўшиш ҳар бир юртдошимизнинг бурчи. Иллат тарғиботчиларининг асосий мақсади халқимизнинг осойишта ҳаётини бузиш, тинчлигимизга рахна солишдир.

Тадбирда ёшларни ёт таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларда юрт равнақига дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш, интернет тармоғида диний экстремизм мафкураси тарқалишининг олдини олиш борасидаги муҳим вазифалар хусусида фикр юритилди.

– Ёшларимизни маънан етук ва баркамол қилиб тарбиялаш бугунги кундаги долзарб вазифадир, – дейди туман ИИБ бошлиғи, подполковник Наврўз Алимов. – Зеро, ёвуз ниятли кимсалар биринчи галда тажрибасиз, ғўр ёшларни йўлдан уради. Шу сабабдан, фарзандларимизга миллий мафкурамизни сингдирсак, уларни эзгулик ва бунёдкорлик ғоялари билан озиқлантирсак, турли маънавий таҳдидлардан асраган бўламиз.

**Исмоил АБДУЛЛАЕВ,**
**кекса муштарийимиз.**

# «ИБРАТ» ЖАМОАСИ – ҒОЛИБ

Танлов

*Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам!" шиори остида ўтказиб келинаётган "Маҳалла – менинг тақдиримда" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 18 жамоа ўзаро беллашди.*



"Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда кенг жамоатчилик вакиллари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари иштирок этди.

Жамоалар маҳалла фаолияти, тарихи, ёшларни жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда маҳалланинг ўрни, "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлиги, буюк аждодларимиз билан ғурурланиш ҳисси каби мавзулар бўйича куч синашди.

Танловда Чиноз туманидаги "Катта тепалик" маҳалла фуқаролар йиғини ёшларининг "Ибрат" жамоаси биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Иккинчи ўринни Бекобод туманидаги "Қорақўйли" маҳалласининг "Баркамол авлод" жамоаси банд этган бўлса, учинчи ўрин Пискент туманидаги "Файзобод" маҳалласининг "Маҳалла ёшлари" жамоасига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар фонднинг махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

Кўргазма

*Ўзбекистон Республикасида 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшамоқдалар. Мустақиллик йилларида миллатлараро муносабатларда янги босқич бошланди. 1992 йилда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган республика Байналмилал маданият маркази миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга самарали ҳисса қўшиб келмоқда.*

# МЕҲР ЖОЗИБАСИ

Ушбу марказнинг 25 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида "Ўзбекистон – умумий уйимиз" мавзуида турли миллат ва элатлар вакилларининг ижод намуналаридан иборат тасвирий, фото ва халқ амалий санъати асарлари кўргазмаси очилди. Тақдим этилган ижодий ишларда гўзал табиат, заминимиз неъматлари, йил фасллари кўринишлари, замондошлар, она ва болалар портретлари,



миллий турмуш тарзимиз ва маданий ҳаётимиздан лавҳалар акс этган. Улар орасидан, шунингдек, тасвирий санъатнинг турли жанр ва йўналишларида меҳр ва маҳорат билан яратилган, мухлисларни мулоҳазаларга чорловчи турли миллат вакилларининг "Оқтош", "Сижжак манзараси", "Сўқоқ боғлари", "Хумсон қирғоқларида", "Бурчмулла", "Қорли кун. Чорбоғ", "Чимён туман оғушида", "Чирчиқ дарёси", "Ангренда тонг" каби ижод намуналари ўрин олган.

Кўргазманинг очилиш маросими доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ўтказилган "Ўзбекистон – умумий уйимиз" республика дўстлик ва маданият фестивалининг якуний босқичи ва ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Кўргазма намойиши давом этмоқда.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Аёллар спорти

*Пойтахтимизда мини-футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасининг учинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.*

# Чемпионатда «Олмалиқ» пешқадам

Ўн бир жамоа ғолиблик учун кураш олиб бораётган чемпионатнинг навбатдаги тур баҳсларидан сўнг "Олмалиқ" жамоаси очколар сонини 41 тага етказиб, мусобақа жадвалида етакчилик қилмоқда.

"Олмалиқ" жамоаси мазкур турда "Локомотив"ни 5:2, "Максам-Чирчиқ"ни 6:2, "Бунёдкор"ни 3:1, Пахтакор"ни 7:0, "Металлург"ни 11:2 ҳисобида енгиб, "Дўстлик-AIN" клуби билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади.

Пешқадам жамоа билан дуранг ўйнаган "Дўстлик-AIN" иккинчи ўринда бораётган бўлса, "Ардус" жамоаси учинчи поғонани банд этган.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА.**

Ҳикматлар гулдастаси

## СЎЗ ҲАҚИДА

*Молу дунё йиғсанг, тугар,*
*олинур,*
*Ёзилса қолур сўз, жаҳонни*
*кезур.*

* * *

*Сўз ўликни тирилтирур,*
*тирикни ўлдирур.*
***Аҳмад Югнакий***

* * *

*Сеҳру сўз – бир-биригадир*
*пайванд,*
*Иккиси гўёки эгиз фарзанд.*

* * *

*Сўз олтинга бўлмагай муҳтож,*
*Балки олтин бошига бўлғай тож.*
***Абдураҳмон Жомий***

* * *

*Гавҳару дурни қулоқ озори бил,*
*Сўзни қулоқнинг дури*
*шаҳвори бил.*

* * *

*Ҳам сўз ила элга ўлумдан*
*нажот,*
*Ҳам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт.*

* * *

*Имкони бор ҳар бир яхшилик –*
*сўз орқалидир.*

* * *

*Сўз борки, тингловчи танига*
*жон киритади,*
*Сўз борки, айтувчи бошини*
*элга беради.*
***Алишер Навоий***

Моҳият

## КАМТАРГА КАМОЛ

Ҳиротда Алишер Навоий билан бирга мавлоно Биноий деган шоир ҳам яшарди. Кунлардан бир куни Биноий Алишер Навоийнинг боғига келибди. Қараса, у бир қанча шоирлару машшоқлар, созандалару хонандалар билан ширин суҳбат қуриб ўлтирган экан. Биноийнинг ғайирлиги тутибди. Шу пайт олдига вовуллаганича келган итга қараб овозининг борича:

– Ҳо, жанобларининг итлари ҳам нав (оҳанг қилади, демоқчи) қиладиларку, биз бундан бехабар қолибмиз-да, – дебди. Шу билан Алишер Навоийни боплаб "чақиб" олмоқчи экан-да. Биноийнинг ниятини дарров англаган Алишер Навоий унга шундай жавоб қилибди:

– Ҳа, энди анча-мунча боқиб парвариш қилган эдик, мавлононинг ўзлари кўриб турганларидек бинойидек бўлди-қолди.

Шоирнинг суҳбатдошлари маза қилиб кулишибди.

* * *

Алишер Навоий билан Биноий аслида қалин дўст эдилар-у, аммо орага тушган гап ташувчи ҳасадгўйлар туфайли бир-бирлари билан ади-бади айтишиб қолишарди. Нима бўлди-ю, Биноий бошқа подшо хизматига ўтиб, ўзга юртга кўчиб кетди. Алишер Навоий эса ёшлигидан дўсти бўлган Ҳусайн Бойқаро ёнида қолди. Орадан йиллар ўтди. Шоирнинг гоҳ Навоий, гоҳ Фоний деб ёзган ғазаллари Биноийга етиб борарди. Унинг ўзига бир оз бино қўйиб ёзган ғазаллари ҳам Алишер Навоийга етиб келарди. Ҳар иккovлари бир-бирларини соғинишиб, кўришгилари келганми, ё яна сўз ўйини, лутф қилишибми, хат ёзиша бошлашди. Биноий узундан-узун бир ғазал битиб, охирига:

*Бинойидек ғазал юборди*
*машҳур Биноий,*
*Ўқиб жавоб ёзсин деб*
*Навоийми ё фоний.*

деб нуқта қўйди. Алишер Навоий ғазални ўқиб, Биноийнинг нима демоқчилигини дарров англади, ўзи ҳам ўтириб, бадиҳагўйлик билан катта бир ғазал ёзди ва уни шундай тугатди:

*Биноий ғазалига жавоб битиб*
*Навоий.*
*Дейди: ўзингга қўйма бино,*
*бу дунё – фоний!*

Айтишларича, ҳар икки шоир кейинчалик ҳам бир-бирлари билан ғазал тили орқали гаплашиб туришган экан.

**М. ЖЎРАЕВ.**




## Қандингни ур, Муҳаммад Али

**Муҳаммад Али исмли мактаб ўқувчиси Буюк Британияда яшайди. Тиниб-тинчимаган бу йигитча бозордаги таклифни таққослаб, мақбул нархдаги маҳсулотни топадиган сайт яратгач, тез орада машҳур бўлиб кетди.**

Бу янгиликка қизиқиб қолган инвесторлар дастлабки музокарада ёш ихтирочига 5 миллион фунт таклиф қилишди. Бироқ, у ишланмани сотмоқчи эмаслигини, аксинча, келажакда сайтни тўлиқ қувват билан ишга тушириб, бизнес билан жиддий шуғулланмоқчи эканини билдирди. Шу тариқа, яқин йилларда алоҳида мамлакат, кенгроқ олганда, дунё миқёсида нархлар тафовутини



акс эттирадиган, харидорга энг қулай бозорни кўрсатиб берадиган интернет-ресурс ишга тушади. Бундай ишланма учун қандай алгоритм қўллангани эса фақат Муҳаммад Алига маълум – савдо корчалонларини ўйга солиб турган жиҳат ҳам мана шу...

## Смартфон-табиб

**АҚШдаги Стэнфорд университети мутахассислари смартфон орқали тери саратони текширувини ўтказиш имконини берувчи алгоритм яратишди.**



Меланоманинг (тери саратони) дастлабки босқичида уни даволаш 97 фоиз ҳолатда касалдан тўлиқ фориғ бўлишни кафолатлайди, агар ташхис кечроқ қўйилган бўлса, соғайиб кетиш имконияти 14 фоизгача пасаяди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, мазкур услуб тери саратонини илк босқичларида дерматолог даражасида аниқлай олади. Унинг иш услуби бир қарашда жуда оддий: ақлли телефон маълумотлар базасида жойлашган минглаб, миллионлаб инсон териси суратини қиёсий таҳлил қилади ва юборилган сўровга юқори аниқликда жавоб тайёрлайди.

## Қарши олинг – журналист-робот

**Хитойда робот-журналист иш бошлади. Сяо Нань исмли робот-журналист бир сонияда битта мақола ёза олади. У Жанубий Хитойнинг Гуандун вилоятидаги "Наньфан душибао" газетасида "ишлайди".**

Сунъий онг элементлари бўлган электрон қурилма яратувчилари сўзларига кўра, у кичик бўлган изоҳлар, шунингдек, катта муҳаррирлик мақолаларини ҳам тайёрлаши мумкин. "У оддий мухбирларга қараганда, кириб келувчи маълумотларни самарали қайта ишлашда кўп фойда келтиради. Унинг асосий хусусияти – тез мақола ёзиши", – дейди Пекин университети мутахассиси Вань Сяоцзюн.

Хуллас, инсониятнинг энг севимли ва муҳим машғулоти



эндиликда темиртан мавжудотлар ихтиёрига ўтадими, деган саволлар туғилаяпти. Балки айни пайтда бундай гап-сўзларнинг мавриди эмасдир, чунки қурилмада нуқсонлар кўп. Хусусан, у ҳали бошқа журналистлар каби мулоқотга кириша олмайди. Агар шу ишни ҳам "жаноб" Сяо Нань уддалаганида борми, қалам тутган миллионлаб қўллар келажакда бошқа касбу кор қидириш пайидан бўлардилар.

**Интернет материаллари асосида С. ЎРМОНЖОНОВ тайёрлади.**

Маънавият

# МУҲИМ ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Замонавий ахборот технологиялари тезкор ривожланиб бораётган бир пайтда жаҳон жамоатчилигида китоб ва китобхонлик масаласида турли фикрлар билдирилмоқда. Айрим ҳолларда китобнинг ўрнини замонавий АКТ эгаллайди, дейилса, бир гуруҳ мутахассислар асрлар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган китоб тараққиётнинг бугунги босқичида ҳам энг яқин маънавий кўмакчи бўлиб қолишини айтишмоқда. Бироқ, ҳар қандай шароитда ҳам китобхонлик ва мутолаа масаласи биз учун зарур ва жоиз бўлиб қолаверади.

Бунга Президентимизнинг яқинда қабул қилинган "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши мисолида яна бир бор амин бўлишимиз мумкин.

Таъкидлаш керакки, ушбу ҳуқуқий ҳужжат асосида ташкил этиладиган комиссия томонидан китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида юксак интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талабни ўрганиш каби бир қатор вазифалар белгиланди.

Фармойишда китоб савдосини қўллаб-қувватлаш мақсадида ихтисослашган китоб дўконлари учун вилоят, туман марказлари, аҳоли гавжум ва қулай ҳудудлардан жой ажратиш ёки ижарага бериш масалаларини қайта кўриб чиқиш, сотув айланмасида китоб улушининг ҳажми 70 фоиздан ортиқ бўлган тадбиркорлик субъектларини алоҳида ҳисобга қўйиб, уларга солиқ имтиёзлари бериш масалалари ҳам кўзда тутилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ҳам китобни чоп этиш ва тарқатиш тизимидаги муаммоларни ҳал қилиш муҳим вазифалар қаторида эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раислигида махсус комиссия тузиб бир ой муддатда дарсликлар, махсус ва бадиий адабиётга бўлган реал эҳтиёжни, уларни бошқа тилларга таржима қилиш, ўқув юртлари, кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тақдим этиш топширилди. Бунда ёшлар ва аҳолининг кенг қатламлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш муҳим вазифа сифатида белгиланди.



Таъкидлаш жоизки, китобхонликни тарғиб қилиш, ахборот-ресурс марказлари фаолиятини жонлантириш, айниқса, ёшларни ўзларини қизиқтирган, келажак йўлида фойдали ахборотлар билан таъминлаб боришда парламент назорати шаклларидан самарали фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда яқинда қўмитамиз томонидан "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Халқ таълими вазирлиги томонидан ижроси бўйича ўрганиш ташкил этилди. Ўрганиш натижаларига кўра, бугун марказлардан йироқ бўлган чекка ҳудудлардаги ўқув муассасаларини узлуксиз сифатли интернет билан таъминлаш, ZIYONET таълим портали фаолиятини жонлантириш, ўқувчилар қаторида ўқитувчиларнинг ҳам китоб мутолаасига бўлган иштиёқини ошириш борасида ечимини кутаётган ишлар борлиги маълум бўлди.

Қўмитанинг жорий йил иш режасида ушбу масала назорат таҳлил фаолиятининг муҳим йўналишидан бири сифатида белгиланиб, қўмита томонидан "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг Тошкент шаҳри ва Наманган вилоятидаги ижросини ўрганиш режалаштирилган. Ўрганиш натижалари соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш билан бирга мамлакатимизда аҳоли ўртасида китобхонлик даражасини ошириш, ахборот-ресурс марказлари фаолиятини янада жонлантиришга муҳим ҳисса қўшишидан умидвормиз.

**Расул КУШЕРБАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси.**

Бошланиши 1-бетда.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Котибият: 233-90-82, 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-8117 Адади 15 852. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.
"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.45.